



ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ ТАЗЙИҚ ВА ЗЎРАВОНЛИҚДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИНГ БИР БЕЛГИСИ СИФАТИДА

Сайфуллаев Ўлмасжон Шавкат ўғли
Ўзбекистон Республикаси Ички Ишлар
Вазирлиги Академияси мустақил изланувчиси
Солеҳжонов Абулқосим Жасур ўғли
Ўзбекистон Республикаси Ички Ишлар
Вазирлиги Академияси курсанти
E-mail: abulqosimsolehjonov414@gmail.com
<https://doi.org/10.5281/zenodo.11523210>

ARTICLE INFO

Received: 01st June 2024

Accepted: 03th June 2024

Published: 05th June 2024

KEYWORDS

Зўравонлик, жисмоний
зўравонлик, жинсий
зўравонлик, иқтисодий
зўравонлик, руҳий зўравонлик,
ҳимоя ордери, фуқаролик
жамияти.

ABSTRACT

Ушбу мақолада оиладаги зўравонлик билан содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг тушунчаси, уларнинг турлари, оиладаги зўравонлик натижасидан келиб чиқадиган оқибатлар ва уларнинг олдини жамоатчилик иштироки, оиладаги зўрлик ва унинг жабирланувчиларини ҳимояқилишдаги ҳуқуқий асослар аниқлаш, уларининг хусусиятлари ва асосий жихатлари ҳақида мақоламизда тўлиқроқ маълумот берилади.

Мавзунинг долзарблиги. Жамиятда барқарорлик, тинчлик ва осойишталикни қарор топтириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш мамлакатни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан янада ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини юксалтириш, ҳуқуқий демократик давлат қуриш бўйича амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлардан қўзланган мақсадларга эришишнинг муҳим шarti ҳисобланади.[1]


Мамлакатимизда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича комплекс чора-тадбирларни, хусусан аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, бу борада давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтларининг ҳамкорлигини такомиллаштириш мақсадида кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Бугунги кун шиддит билан ривожланиб бораётган дунёда фуқаролик жамияти, унинг таркибий қисмлари ўртасидаги муносабатлар ҳам кенг қамровлашиб бормоқда. Оила жамиятнинг бир бўлаги сифатида қарайдиган бўлсак, тенг ҳуқуқлик асосида ўзаро иттифоққа бирлашиб яшамоқликдир. Бу асосий қонунимиз булган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси XIV боб “Оила, болалар ва ёшлар”га бағишланган бўлиб, 76-80-моддаларни ўз ичига олади. Хусусан, 76-моддада қуйидагича айтиб ўтилган: “Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда у жамият ва давлат муҳофазасидадир. Никоҳ Ўзбекистон халқининг анъанавий оилавий қадриятларига, никоҳланувчиларнинг ихтиёрий розилигига ва тенг ҳуқуқлилигига асосланади.[2]

Давлат оиланинг тўлақонли ривожланиши учун ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий ва бошқа шарт-шароитлар яратади". Бундан кўриниб турибдики, давлат оилани барқарорлигини қўллаб-қуватлайди ва юзага келиши мумкин бўлган ҳар қандай ҳуқуқбузарликка қарши курашади. Бу соҳада жуда кўп ишлар қилинган бўлиб, улар қуйидагилардан иборат.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «нотинч оилалар фарзандлари, уюшмаган ёшлар, ишбилан банд бўлмаган, «оммавий маданият» таъсирига тушиб қолган йигитқизларнинг хатти-ҳаракатларини назоратга олишда уларнинг отаоналари масъулиятини ошириш, кашандалик, алкогольли ичимликлар истеъмол қилиш ва бошқа иллатлар профилактикаси» каби долзарб вазифалар назарда тутилган.[3] Бу эса, ички ишлар органлари фаолиятига илғор иш усулларини жорий этиш, ҳуқуқбузарликларни барвақт аниқлаш бўйича фуқаролик жамияти институтлари билан самарали ҳамкорликни ташкил этишни тақозо этади. Бундан ташқари, Қонунчилик палатаси томонидан 2019 йил 2 сентябрь кучга кирган ЎРҚ-561-сонли "Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни[4] ҳам қабул қилиниши ушбу соҳада туб бурилиш бўлди десам муболаға бўлмайди. Ушбу қонун 35 моддадан иборат бўлиб, ушбу соҳадаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган бўлиб, бунда хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш, уларнинг турлари, жинсий зўравонлик, жисмоний зўравонлик, иқтисодий зўравонлик, руҳий зўравонлик, ундан жабрланувчилар, ҳимоя ордери, уни амалга оширувчи органлар, ҳимоя ордери ҳақида батафсил айтиб ўтилган. Уларга батафсил тўхталиб ўтадиган бўлсак:

Зўравонлик — хотин-қизларга нисбатан жисмоний, руҳий, жинсий ёки иқтисодий таъсир ўтказиш ёки бундай таъсир ўтказиш чораларини қўллаш билан таҳдид қилиш орқали уларнинг ҳаёти, соғлиғи, жинсий дахлсизлиги, шаъни, қадр-қиммати ва қонун билан ҳимоя қилинадиган бошқа ҳуқуқлари ҳамда эркинликларига тажовуз қиладиган ғайриҳуқуқий ҳаракат (ҳаракатсизлик) деб тушинилади. «Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида» Қонунга асосан зўравонликнинг 4 турга бўлиниб ўрганилади. Улар қуйидагиша:



жисмоний зўравонлик — хотин-қизларга нисбатан оғирлиги турли даражада бўлган тан жароҳатлари етказиш, хавф остида қолдириш, ҳаёти хавф остида қолган шахсга ёрдам кўрсатмаслик, зўравонлик хусусиятига эга бошқа ҳуқуқбузарликлар содир этиш, жисмоний таъсир ўтказиш ёки бундай таъсир ўтказишнинг ўзга чораларини қўллаш билан таҳдид қилиш орқали хотин-қизларнинг ҳаёти, соғлиғи, эркинлиги ҳамда қонун билан ҳимоя қилинадиган бошқа ҳуқуқлари ва эркинликларига тажовуз қиладиган зўравонлик шакли;

иқтисодий зўравонлик — хотин-қизларга нисбатан турмушда, иш жойларида ва бошқа жойларда амалга оширилган зўравонлик шакли, хотин-қизларнинг нормал яшаш ва камол топиш учун озиқ-овқат, уй-жой ҳамда бошқа зарур шарт-шароитлар билан таъминланишга бўлган ҳуқуқини, мулк ҳуқуқини, таълим олиш ҳамда меҳнатга оид ҳуқуқини амалга оширишни чеклашга олиб келадиган ҳаракат (ҳаракатсизлик);

жинсий зўравонлик — хотин-қизларга нисбатан уларнинг розилигисиз шахвоний хусусиятга эга ҳаракатларни содир этиш орқали жинсий дахлсизликка ва жинсий эркинликка тажовуз қиладиган зўравонлик шакли, шунингдек зўрлик ишлатиш ёки зўрлик ишлатиш билан таҳдид қилиш ёхуд аёл жинсидаги вояга етмаган шахсларга нисбатан ахлоқсиз ҳаракатлар содир этиш орқали учинчи шахс билан жинсий алоқа қилишга мажбурлаш;

руҳий зўравонлик — хотин-қизларни ҳақоратлаш, уларга туҳмат қилиш, таҳдид қилиш, уларнинг шаънини, қадр-қимматини камситиш, шунингдек уларнинг хоҳиш-иродасини чеклашга қаратилган бошқа ҳаракатларда ифодаланадиган зўравонлик шакли, шу жумладан репродуктив соҳада назорат қилиш, тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчида ўз хавфсизлиги учун хавотир уйғотган, ўзини ҳимоя қила олмасликка олиб келган ёки руҳий соғлиғига зарар етказган ҳаракат (ҳаракатсизлик) тушинилади.

Ҳимоя ордери — тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчига давлат ҳимоясини тақдим этувчи, хотин-қизларга тазйиқ ўтказаётган ёки уларга нисбатан зўравонлик содир этган шахсга ёхуд бир гуруҳ шахсларга нисбатан ушбу Қонунда белгиланган таъсир кўрсатиш чоралари қўлланилишига сабаб бўладиган ҳужжат.

Ушбу турдаги ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, уларга қарши курашиш, барвақт олдини олиш буйича давлатимиз қонунчилиги билан белгилаб қўйди. Шунга асосан, қуйидаги органларга ваколатлари белгилаб берилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси;
2. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари;
3. Ички ишлар органларини;
4. Меҳнат органлари;
5. Таълимни давлат томонидан бошқариш органларининг ҳамда таълим муассасалари;
6. Давлат соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш органларининг ҳамда соғлиқни сақлаш муассасалари;
7. Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳузуридаги Оила ва хотин-қизлар қўмитаси;
8. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ва фуқаролик жамияти бошқа институтлари томонидан ўзига

берилган хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасидаги ваколатларидан келиб чиқган ҳолда фаолиятини амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси ўз олдига фуқаролик жамиятини барпо этиш борасида бир қанча ишларни амалга оширган бўлса, хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунчиликнинг қабул қилиниши ҳам яна бир қадам бўлди деб уйлайман. Чунки оиладаги содир этиладиган ҳуқуқбузарликнинг барвақт олди олинadиган бўлса, келажагимиз бўлган ёшларнинг тарбиясига ҳам этибор қаратган бўлардик.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, тез суратлар билан ривожланиб бораётган Ўзбекистон Республикасида барча соҳаларда туб ислохотлар амалга ошириладиган бир паётда, жамиятимизнинг асосий бўғини бўлган оилага ҳам катта этибор қаратмоқда. Оилада юзага келадиган ҳуқуқбузардикларни аниқлаш, олдини олиш, бартараф этиш, уларнинг барвақт профилактикасини ташкил этиш каби жараёнларнинг йулга қуйилиши ушбу соҳада ҳуқуқбузарликларнинг камайишига, жамиятимизнинг асосий бўғини бўлган оилаларнинг мустаҳкамлиги сақланишига сабаб бўлади. Ушбу соҳага этибор қаратишдан мақсад, бир томондан оила жамиятнинг асосий бўғини бўлса, иккинчи томондан давлатимизнинг келажаги бўлган ёшларнинг тарбияси дастлаб оилада шаклланишидир.

Фойдаланган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5005-сонли Фармони.
2. «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси» <https://constitutionuz/ clause/index>
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони www.lex.uz.
4. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 сентябрь кундаги «Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни. <https://lex.uz/docs/4494709?ONDATE2=21.04.2021&action=compare>